

ШАРТНОМА № 14

«28» Инвар 2022 йил

Термиз шаҳри

«Good Fortune» «Таъминотчи» деб аталувчи раҳбари Г.Ибрагимов Низом асосида иш юритувчи бир томондан ва Вилоят солиқни саклаш бошқармаси Махсус ва тез тиббий ёрдам автохўжалиги бунда буён «Истеъмолчи» деб аталувчи раҳбари М.Боборахматов Низом асосида иш юритувчи иккинчи томондан куйидагилар тўғрисида шартнома тузадилар:

1. Шартнома предмети

1.1. «Таъминотчи» газ маҳсулотини сотиш мажбуриятини ва «Истеъмолчи» эса сотиб олинган газ маҳсулоти учун ўз вақтида шартнома шартлари асосида тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олди.

2. Газ маҳсулотлари нархи ва умумий қиймати

2.1. Олинадиган газ маҳсулотлари ҳажмининг умумий қиймати Республикамиз миллий валютаси сўмда белгиланади.

| № | Газ маҳсулотлари номи | Ўлчов бирлиги | миқдори | Нархи | ҚҚС суммаси | Умумий суммаси |
|---|-----------------------|----------------------|-------------|-------------|------------------|------------------|
| 1 | <u>Сизилган газ</u> | <u>м³</u> | <u>6000</u> | <u>2500</u> | <u>1956521,0</u> | <u>1500000,0</u> |
| 2 | ЖАМИ | | | | | |

2.2. Шартнома умумий суммаси 1500000,0 (ҲН Беш Миллион) сўм сўми ташкил қилади.

2.3. «Таъминотчи» газ маҳсулотларининг қиймати нархи ошганлиги натижасида. Ўзгарганда, «Истеъмолчи» нинг олдиндан хабардор қилиб, товар моддий бойликнинг ўзгарган нархини асослаган ҳолда сотади.

2.4. «Истеъмолчи» ўзгарган нархлар асосида қўшимча тўловларни бюджетда кўрсатилган лимит доирасида амалга оширади.

2.5. «Таъминотчи» газ маҳсулотларини газ қуйиш шахобчаси орқали «Истеъмолчи» нинг газ маҳсулотлари билан ишлайдиган, жиҳозланган автомашиналари орқали амалга оширади.

2.6. «Истеъмолчи» нинг автомашинасига қўйилган газ маҳсулоти кунли, газ маҳсулоти етказиш санаси ҳисобланади.

3. Тўлов шартлари

3.1. «Истеъмолчи» товар моддий бойликлар тўлиқ қийматининг олдиндан 100% миқдорда _____ банк кунли «Таъминотчи» нинг махсус ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

3.2. «Истеъмолчи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1. банди талаблари бажарилмаган тақдирда «Таъминотчи» шартномада кўрсатилган газ маҳсулотларини бермасликга ҳақли бўлади.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. «Истеъмолчи» нинг мажбуриятлари:

- белгиланган тартибда автомашинага газ маҳсулотларини қуйиш учун махсус рухсатнома олиш,
- газ баллоннинг геометрик ҳажми ва техник ҳолати тўғрисида хайдовчининг йўл варақасига тегишли белги қўйиш,
- автомашиналарнинг газ баллон ускунасини соз ҳолда сақлаш,
- газ маҳсулотларидан фойдаланиш қоидаларига, техника хавфсизлиги масалаларига тўлиқ риоя қилиш,

4.2. «Истеъмолчи» газ маҳсулотлари билан ишлайдиган, қайта жиҳозланган автомашиналардан фойдаланиш давомида, техника хавфсизлиги ва автомашинанинг техник ҳолати учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади.

4.3. «Таъминотчи» нинг мажбуриятлари:

а) автомашинадаги мавжуд ўлчов ускуналарининг созлигини ва бу мосламалардан тўғри фойдаланилаётганлигин назорат қилиш.

б) автомашина хайдовчисини газ маҳсулотларидан фойдаланиш учун гувоҳномаси борлигини текшириш.

г) «Истеъмолчи» томонидан шартнома шартларини бузиш ва техника хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслиги ҳолати аниқланганида, маҳсулот беришни тўхтатиш.

4.4. Томонлар маҳсулот ҳажмининг ўртача кунлик нормасидан келиб чиққан ҳолда ойлик газ миқдорини бир маромда узатиш ва қабул қилиш шарт.

4.5. «Истеъмолчи» сотиб олган маҳсулотни истеъмол қилиш даврида ҳар бир юзага келган ўзгаришлар ҳақида чора бошланишдан олдин «Таъминотчи» га ёзма равишда хабар қилиши шарт.

4.6. «Таъминотчи» газ қуйиш шахобчаларида мавжуд бўлган ускуналарни навбатдаги жорий таъмирлаш ва умумий таъмирлаш ишларидан олдин, «Истеъмолчи» га ёзма равишда хабар қилиши шарт.

4.7. «Таъминотчи» «Истеъмолчи» нинг автомашинасига ўрнатилган газ ускуналари носозлиги туфайли мўлжалдаги километр масофани юрмаса «Таъминотчи» жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

5. Маҳсулот (газ) ҳисоботи.

5.1. «Истеъмолчи» га берилган маҳсулот миқдори тарқатиш варақасига асосан ҳисоб-китоб қилинади.

5.2. «Истеъмолчи» га берилган маҳсулот миқдори давлат стандарти томонидан 13.01.1995 йилда (рег. №418) тасдиқланган «А.Г.Т.К.Ш.» га юборилган газ ҳажмини ўлчаш ва унинг ҳисоб-китоб бўйича қўлланма (РД. Уз.51-03494) асосида «Ўзбекнефтегаз» миллий компанияси томонидан 25.11.1995 йилда тасдиқланган «А.Г.Т.К.Ш.» дин истеъмолчиларга тарқатилган газ ҳажмини аниқлаш жадвалига мувофиқ «Таъминотчи» нинг ўлчов асбоблари орқали аниқланади.

6. Томонларнинг мулкӣ-ҳуқуқӣ жавобгарлиги

6.1. «Истеъмолчи» шартномада кўрсатилган ҳажимдаги газ маҳсулотидан кўпроқ миқдорда олмоқчи бўлган тақдирда, томонлар ўртасида қўшимча шартнома тузилади.

6.2. «Таъминотчи» шартномада кўрсатилган газ маҳсулоти билан «Истеъмолчи» ни ўз вақтида таъминла олмаса, куйдаги ҳолларда жавобгарликни ўз зиммасига олмайди:

- а) электр тармоқларида содир бўлган авария ҳолларида,
- б) электр тармоқлари таъмирлаш учун тўхтатилганда,
- в) мол етказиб берувчи ва пудратчилар айби билан газ маҳсулоти ўз вақтида келмай қолган вақтда.

6.3. «Истеъмолчи» шартномада кўрсатилган хажимдаги газ маҳсулотининг ўз вақтида ёки тўлиқ тўловни амал оширмаган тақдирда, ҳар бир кечиктирилган кун учун тўлов суммасининг 0,5% миқдоридан пеня тўлайди, лекин пеня миқдори шартнома умумий суммасининг 50% идан ошмаслиги керак.

6.4. Газ маҳсулотларини етказиб беришни кечиктирилганлиги учун «Таъминотчи» кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5% миқдоридан пеня тўлайди, лекин шартнома умумий суммасининг 50% идан ошмаслиги керак.

6.5. Шартномада кўрсатилиб ўтилган мажбуриятларининг бажарилиши бўйича томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунлари бўйича жавобгардир.

7. Низоларни ҳал етиш тартиби

7.1. Мазкур шартнома бўйича томонлар шартларни бажармаган тақдирда, жавобгар томон келтирилган моддий ва маънавий зарарларни қоплайди.

7.2. Томонлар ўртасида шартномани тузишда, бажарилишида ўзгартириш ва бекор қилишда етказилган зарарларни қоплашда юзага келадиган низолар оғохлантириш ва даъво хатлари тартибида, агарда муроасага келинмаганда вилло Иқтисодий Суди орқали ҳал қилинади.

8.1. Қўшимчалар

8.1. Икки томоннинг ўзаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритилган ўзгариш ва қўшимчалар қонуний кучига эга бўлади. Ўзгариш ва қўшимча шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг муҳири ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

8.2. Бир томонлама шартнома бекор қилишга тўлов шартлари бажарилмаганлиги ва газ маҳсулотларини етказиб бериш тартиблари бузулганлиги асос бўлади.

9. Форс-мажор

9.1. Агар шартнома тузилгандан сўнг икки томон ўз мажбуриятларини ғайри табиий ҳолатлар, сув тошқини, ёнғин ва ёр қимирлаш, ва табиий офатлар сабабли бажарилмаса, ҳеч қайси томон тўла ёки қисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайди.

10. Шартноманинг амал қилиш муддати

10.1. Мазкур шартнома ғазначилик булинмасидан руйхатдан утган кундан бошлаб кучга киради ва «31» декабр 2022 йилгача амалда бўлади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб икки томон учун ҳам тенг кучга эга бўлиб, банк ҳисоб китобларини амалга оширишга асос бўлади.

11. Томонларнинг юридик манзили

«Иш бажарувчи»
НОМИ "Good Fortune"
Хўжалик Корхонаси
МАНЗИЛ Шўрпеи тумани
Х/Р 20208000304886670001
ИНН 301827170 ОКОНХ 71280
Б/К 01045
НОМИ _____
РАХБАР Ш. Шорпеи
(имзо) (ф.и.о.)

«Буюртмачи»
НОМИ ВССБси МТТЭ автоўжалиги
МАНЗИЛ Термиз Ш Муқомий кўчаси 9 уй
Ш.Х.В 100021860224017076909054001
ИНН 206993243 ОКОНХ 51121 Б/К: 00014
ЎзРесп. Молия вазирлиги Ғазначилиги
ИНН: 201122919
Тошкент шаҳар Марказий банки ХККМ
х/р: 23402000300100001010
РАХБАР _____ М. Боборахматов
(имзо) (ф.и.о.)

Ҳуқуқшунос визаси: Мен ВССБси МТТЭ нинг Ҳуқуқшуноси, ушбу шартномага Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик Кодекси, "Хўжалик юртурувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий база тўғрисида" ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мос келишлигини аниқладим:

«28» Январ 2022 йил Ассасар А. Хормаев



Reestrdaqi tartib raqami – 361

№ 000837

30.10.2012 yil

Mazkur guvohnoma «GOOD FORTUNE»

ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ

(davlat tilidagi to'liq nomi)

ҚАЙТА

(yuridik shaxs dehqon xo'jaliklari, fermer xo'jaliklari,

ajratilgan er uchastkasi va uning maydoni ko'rsatiladi

yuridik shaxsga berildi.

Tashkiliy - huquqiy shakli:

THSH (ОПФ)

1010

Mulkechilik shakli:

MSH (ФС)

114

Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili:

МНОВТ (СОАТО)

1722226

Yuridik shaxs kodi:

KTUT (ОКПО)

23413992

Tarmoq kodi:

XXTUT (ОКОНХ)

71280

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami:


STIR (ИНН)

301827170

Qo'shimcha ma'lumotlar: 2011 йил 04 февралда руйхатдан утган.



Sho'rcchi tumani hokimligi huzuridagi
Tadbirkorlik sub'ektlarini ro'yxatdan
o'tkazish Inspeksiya boshlig'i



Г Мардонов.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ЛИЦЕНЗИЯ

АВ № 1732

Мазкур лицензия билан "GOOD FORTUNE"
хусусий корхонаси (лицензия эгасининг тулик номи)

Шўрчи тумани, Янгибозор қ.ф.й. ҳудудида _____ га

жойлашган АГТҚШ орқали сиқилган табиий газни сотиш (рухсат этилади фаолият тури)

билан

шугулланишга рухсат этилади.

Лицензия эгасининг жойлашган жойи (почта манзили): Сурхондарё вилояти,

Шўрчи тумани, Мустақиллик кўчаси

Лицензия эгасининг солиқ тўловчи сифатидаги идентификация рақами: 301827170

Лицензия берилган сана: 2012 й. 11 июнь

Лицензиянинг амал қилиш муддати беш йил

Реестр бўйича тартиб рақами: № 1274

Ваколатли шахс: Ғ.Ибрагимов (исми шарифи, фамилияси)


(имзоси)

М.Ў.

Лицензиянинг амал қилиш муддати 2022 й. 11 июн _____ гача

узайтирилди.

Ваколатли шахс: Ғ.Ибрагимов (исми шарифи, фамилияси)


(имзоси)

М.Ў.

Лицензиянинг амал қилиш муддати _____ й. _____ гача

Ваколатли шахс: _____ (исми шарифи, фамилияси) (имзоси)

М.Ў.



